*Sharq odobi maktabi*

# ЭР КИШИГА ЖАҲЛ ЯРАШМАС

Муҳаммад Содиқ Қошғарийнинг «Одоб-ул-Солиҳин» асари ўтмиш маънавий маданиятимизнинг дурдоналаридан биридир. Рисолада ҳадис ва ривоятлар мукаммал таҳлил этилган бўлиб, у Туркистон ўлкасида катта эътибор қозонган. Рисола дастлаб 1900 йилда Туркистонда чоп этилган.

«Одоб ул-Солиҳин» асарининг Ўзбекистонда давлатчилик ва ҳуқуқ тарихини ўрганишда аҳамияти катта. Зеро, ушбу асарнинг ҳам ҳуқуқий, ҳам маънавий манба сифатидаги қимматига муносиб баҳо бериш фурсати етди. Туркистон генерал-губернаторлиги бу асарни рус тилида нашр эттириб, русийзабон аҳолини мусулмон аҳолиси билан тезроқ тил топишиб кетишига, маҳаллий аҳолини ўз томонига ағдариб олишни тезлаштиришга, оқибатда ўлкада мустамлакачиликнинг янада чуқурроқ илдиз отишига имкон яратмоқчи бўлган. Чунки тарихий фактларга таянадиган бўлсак, рисола нашр этилишидан бор-йўғи икки йил аввал, яъни 1898 йилда Андижонда рус мустамлакачилик тузумига қарши йирик қўзғолон бўлган эди.

«Одоб ул-Солиҳин» рисоласи муқаддима, еттита бобдан ва изоҳлардан иборат бўлиб, унда ўша давр муҳитида мусулмон аҳли учун ўта зарур бўлган, амал қилиниши, бажарилиши шарт бўлган урф-одатлар, бурчлар ва мажбуриятлар ўз аксини топган.

«Эр-хотинлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда риоя этиладиган одатлар» бобида бевосита эр-хотиннинг оилавий, ҳуқуқий муносабатлари тўғрисида батафсил маълумот берилади. Йигит киши ахлоқли, ҳалол ва гўзал қизга уйланиши лозим, эркак киши ўз аёли билан яхши муносабатда бўлиши, сабабсиз жанжаллашмаслиги, ғазаб қилмаслиги керак, зеро, аёллар эркакларнинг асираси кабидир, асираларга эса яхши муносабатда бўлиш вожибдир. Аёлнинг эркакка муносабатида дағаллик сезилса ҳам, эркак киши сабр-бардошли бўлиши, ғазаб билан қўпол муомала қилмаслиги керак. Оила бошлиғи бўлган эркак ўз оиласи, хотини, камбағал қариндошларининг бемалол истиқомат қилиши учун зарурий маблағни ва нарса-буюмларни муҳайё қилиши, неъматлар пешона тери билан топилган бўлиши лозим. Шубҳали кўринган маблағ кийим-кечак ва шу кабиларга ишлатилиши, еб-ичишга эса фақат ҳалол маблағни ишлатиш керак. Оқибатида эркак унга бўйсуниш даражасигача тушиб қолмасин.

Шунингдек, аёл киши зиммасида ҳам талай ҳуқуқий мажбуриятлар бор. Жумладан, хотин эрининг рухсатисиз уйдан чиқмаслиги, бегона кишини уйига киритмаслиги, эрининг пули ва буюмини сарф-харажат қилмаслиги лозим. Уй бекаси ҳеч қандай монеликсиз мажбуриятларни бажариши керак, хотиннинг кайфияти, руҳияти эрининг кайфиятига мос келиши, яъни эрининг кайфияти яхши бўлса, шодлигини баҳам кўриши, акс ҳолда эса қайғусига, ғам-андуҳига шерик бўлиши, унинг кўнглини кўтариши лозим. Хотин эри томонидан яратиб берилган ҳаётий имконият ва воситалар билан чекланиши, шуларга қаноат қилиши, ортиқча нарсаларни талаб қилмаслиги керак.

Рисолада зиёфат бериш, меҳмонга бориш, овқатланиш вақтида риоя этилиши лозим бўлган қоидаларга кенг ўрин берилган. Чунончи, бу борада қуйидагиларни ўқиймиз. Меҳмонга чақиришганда фақат бой-бадавлат кишиларни эмас, балки эҳтиёжманд, ночор кишиларни ҳам, бирор кишининг отасини меҳмонга чақирилса, демак, ўғлини ҳам чақириш лозим бўлади. Меҳмон кутилганда қуйидагиларга амал қилиш амри вожибдир: меҳмонларга хушмуомалада бўлиш, илтифот кўрсатиш, уларни куттириб қўймаслик, иложи борича тезроқ ҳаракат қилиб дастурхонга чорлаш, энг яхши таомларни қўйиши лозим. Айтиш жоизки, меҳмонларга уч кунгача юксак эҳтиром кўрсатиш, ҳурматини жойига қўйиш даркор. Тўртинчи кундан бошлаб, бироз эътиборни сусайтиришга изн берилади.

Одоб-ахлоқ, юриш-туриш, инсонлар билан муомала қилиш маданияти аждодларимизда ўта юксак даражада бўлганлигини қуйидагилар билан исботлашимиз мумкин. Чунончи, биров келиб меҳмонга таклиф этар экан, албатта қабул қилиш лозим. Бунда таклиф қилувчининг бой ёки камбағаллигига қаралмайди. Яна бир томони, таклиф этилмаган жойга бориш ғайриодобийдир. Шунингдек, бир вақтнинг ўзида икки жойдан таклиф бўлса, у ҳолда қайси яқин қариндоши ёки яқин дўсти бўлса, аввал ўшаникига борилади. Таклиф қилинган киши уй эгасининг рухсатисиз нотаниш кишини ҳам олиб бориши мақбул эмас. Бирон бир жойга боришдан олдин озроқ тамадди қилиб олган яхши, зеро, борилган жойда дастурхонга тортилган таомга нисбатан камсуқумлик қилиш, бошқалардан ажралиб турмаслик лозим бўлади. Меҳмонга борилар экан, хонадон соҳиби кўрсатган жойга ўтириш зарур; уй соҳибига турлича эътирозлар билдириш ёинки дастурхонга қўйилган таом, noз-неъматлар хусусида салбий фикр-мулоҳазалар айтиб туриш яхши эмас. Меҳмондорчилик сўнгида мезбондан рухсат сўралиши лозим. Унинг рухсатисиз кетиб қолиш ҳам одобсизлик.

Ҳозирги кунда бу қоида ва анъаналарга ҳамма ҳам ҳар доим риоя этавермайди. Маиший турмушимизга тобора кўпроқ сингиб бораётган европа расм-русм, одатларини бир четга қўя туриб, ўз миллатимиз, халқимиз асрлар оша риоя қилиб келган оддий урф-одатларга амал қилинса, ҳар ҳолда фойдадан холи бўлмайди. Зеро, эндиликда мустақиллик шарофати билан халқ маънавиятини юксалтиришга катта эътибор берилаётган экан, бунда «Одоб ул-Солиҳин» каби манбаларнинг аҳамияти янада юқори бўлиши табиийдир.

**Б.МИРЗАҚУЛОВ,**
**тарих фанлари номзоди**




## НИКОҲ УЗУГИНИНГ ТАЪРИФЛАРИ

Эр-хотин бўлишнинг жуда кўп қонун-қоидалари бор. Лекин уларнинг орасида энг муҳим маросим - никоҳ узуги алмашишга садоқат ва муҳаббат рамзи, аҳиллик белгиси деб қаралади.

Никоҳ узугининг бунёдга келиш тарихи қизиқ. Қадимдан кўчманчилар ўз севгилисини (қочиб кетмаслиги учун) оёқларига ялпиздан ўралган айлана билан боғлаб қўйган. Кейинчалик унча мустаҳкам бўлмаган ялпиз «кишан»лар чарм билан алмаштирилади. Сўнгроқ эса тош узуклар бунёдга келди. Римликлар ушбу маросимга тамомила шартлилик бахш этишди: улар ўзлари танлаган қайлиқларининг бармоғига узук - дастлаб темир, кейинроқ эса тилла узук тақиб қўядиган бўлишди. Дин ушбу маросимга тантанали руҳ берди: шундан бери келин-куёв бир-бирларининг бармоқларига узук тақадилар.

XV асрда Европадаги қирол саройларида Ҳиндистондан келтирилган олмослар кенг тарқала бошлайди. Никоҳ узугини эса олмос билан безата бошлайдилар.

XX асрда эса никоҳ узуги ёнига кўзли узуклар қўшиш одат тусига кира бошлайди.

Начора, замон олға бораяпти: яқин-яқинларда ошиқ-маъшуқлар бир коса сув билан никоҳланар эдилар. Ҳозир эса никоҳдан ўтишнинг ўзи қадим римликлар, бобилликлар тўйидан ҳам ошиб тушаяпти. Ҳар ҳолда садоқат, вафо ҳамиша бойлик билан ўлчанмаслигини барчамиз тушунамиз.

**Э. МИРОЛИМОВА тайёрлади**



*Сирдарё вилоят туманлараро бўлиб ўтган келин-куёвлар миллий либослари танловида боёвутлик чевар Ҳуснинисо Бийқўзиева тиккан кийимлари совринли ўринлардан бирига муносиб топилди.*

*Суратда: қизи Ҳафиза ва жияни Баҳодирлар Ҳуснинисо Бийқўзиева тиккан либосларни намойиш қилишмоқда.*

**Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат**

## ЛОЙҲУШТАК

*=Hajviya=*

Ўша пайтларда Маркис бобонинг «Капитал»ини ўқишмаса ҳам, уни хизмат машинасида олиб юриш ёки уйдаги шкафларда сақлаш кўпчилик раҳбарлар одатига айланиб қолган эди. «Москва» номли каттакон кинотеатрнинг директори Ашуржон Жўралиевич ҳам бу удумни бошқаларга нисбатан пухта эгаллаган - вилоят маркази Термиздан кино тасмаларини ташийдиган «УАЗ» русумидаги машина ўтирғичида ҳамда уйида бу асарнинг серҳашам муқовалигидан бўларди.

Ашуржон ўта расмиятчи шахс бўлганлиги туфайли, машинада узоқроқ сафарга отланганда, ўтирғич ёнидагисини варақлаб қўяр ва шофёри Омонга:

- Бу китобни ўқиб туриш керак, ука, кино албатта катта санъат, аммо сиз ва биз дунёқарашимизни ҳар томонлама ўстириб боришимиз зарур, - деб тайинлаган бўларди. - Бу буюк иқтисод асари, кўзингни очади.

Шофёр бундай гапларни кўп бор эшитган. Шу сабаб йўл текис келган жойда китобнинг бошланиш қисмини очиб, маъносини англамасдан ёдлаб олган жойларини «сайраб» сўзларди. Хўжайин бундан хурсанд бўлгандек, мақтаб қўяр «маладес» дерди-да, янаям чуқурроқ ўқиш кераклигини уқтирарди.

Бир куни хўжайин Омонга:

- Ука, ҳовли адоғидаги девор бироз эскирди чамаси. Мардикор топиб, уни қайта тикламаса бўлмайди, - деб қолди.

- Хўп хўжайин. Зўр пахсачи танишим бор.

...Шаҳар бозори яқин. Унинг кираверишида кекса тут соя солган. Рашид ака деганнинг дўкончаси шу тут тагида жойлашган. Пештахтада майда-чуйда, асосан Эшали кулол деган дўсти ясаган лой ҳуштак - шупуллаклари бўлади. Ёнида бўлганда гултувак, сигарет ва гугурт каби моллар, шупуллак савдосидан тушган пулни уста билан дўкончи улфатчиликка харжланади. Уларнинг дўстлигига асосий сабаб тақдири ўхшашлигида: хотинлари ташлаб кетган. Фарзандлар йўқ, сўққабош улфатлар...

Омон, хўжайиннинг топшириғини бажариш мақсадида уларнинг ёнига келди:

- Рашид ака, иш бор, хўжайиннинг ҳовлисидаги деворни янгилаш керак.

- Э-э Омонжон, барибир ярим бекорчимиз, бизга ишонсанг бажону дил бажарамиз. Девор ҳам гапми? Биз лойдан шупуллақ ясаймиз, шупуллак! Деворни ҳам сайратворамиз.

- Ундай бўлса, кетдик...

Ҳовлида хўжайин кутиб олди. Ашур Жўралиевич ҳовли пастидаги ўн беш метрлар келадиган лой пахса деворни кўрсатиб:

- Ана шу деворни қайтадан тиклаш керак? - деди.

- Бўлди домла, боплаймиз! - деди Рашид ака. - Энди домла қўй гўштидан бир шўрва айтсангиз, кечқурунга яримта вино бўлса, бирон қути папиросдан буюрсангиз.

Иккала мардикор жадал ишга киришди. Деворни бир зумда ағдариб, катта-кичик кесакларини ажратишиб, сувга бўктиришди. Сўнг шўрва, «перекур»...

Кесакларни тўғри чизиқ қилиб тортилган ип ёнидан қалаб чиқишди. Ўртасига суюқроқ лойдан ишлатдилар. Ён-атрофини сомон аралаштириб қорилган лой билан панжакашлаб чиқишди. Қарабсизки, қуёш ботиш арафасида бўйи бир ярим метрлик узунасига ўн беш метр девор тайёр!

Ашур Жўралиевич, ишни хурсанд қабул қилиб олди. Ҳақини ҳам ошиғи билан тўлади. Мардикорларга вино қуйиб берди.

Шу оқшом девор яқинидаги водопровод жўмраги очиқ қолибди. Сув девор тагига оқиб кесакларни ивитиб, девор ағанаб тушди.

Ашур Жўралиевич тажанг. Аввал шофёрни, сўнг мардикорларни роса...

Омон бозорга - мардикорлар ёнига югурди.

- Расво қилдиларинг-э, энағарлар! - у аҳволни баён этди. Рашид ака эса пинагини бузмай:

- Омонжон, мен сизга айтгандим-ку, девор уриш ҳам гапми, биз лойдан ҳуштак-шупуллак ясаймиз, ҳа-ҳа шупуллак?! - деб минғирлади. - Хўжайининг Маркисни ўқиб «иқтисод» деявергандан кўра, водопровод жўмрагини ёпишни ўрганса бўларди, э-э!..

**Собир ЁДИКОВ**

## СИРТМОҚ — СОЧ ЎРИМИ

*=Hikoya=*



Ўша оқшом тинимсиз, шиғалаб ёққан ёмғир қизларнинг қалбини таҳликали ўй-хаёллар билан баттар эзди. Нева дарёси эса бепарво, эшилиб оқиб ётар, гўё бирор-бир фожиадан хабари йўқдай, Гавҳарни танимаган, билмагандай...

Кутганинг сайин вақт имиллайди. Зубайда билан Раъно тунни тонгга улашди. Ўз кўнглинг ўзингга душман, хаёлга нималар келмайди. Тол баргидай титраб, қизлар эшикка термулиб ўтиришди. Тонгги уйқу ширин бўларкан, уларнинг кўзи илинибди. Бехос эшик тақиллади. Қизлар чўчиб уйғонишиб, эшикка отилишди. Афсус эшикни тақиллатган Гавҳар эмас, милиция кийимидаги майор Збруев экан.

- Гавҳар Отажонованинг дугоналари сизларми?

- Ҳа-ҳа, тинчликми? Гавҳар топилдими?

- Мен билан юринглар, борганда биласизлар.

Қизлар шоша-пиша кийинишиб, унга эргашишди.

- Дугонангизнинг сочлари узунмиди? - сўради майор зинапоядан тушишаётганида.

- Ҳа, сочлари узун, тақимини ўпади. Сочларини йиғиштириб, турмаклаб юради. Нега буни сўраяпсиз, унга бирор нарса бўлганми? Айтақолсангизчи? - йиғламсираб сўрай бошлади Раъно.

- Борганда биласизлар! Қани, машинага чиқинглар! Эҳтимол, у эмасдир, - деб майор ҳайдовчининг ёнига ўтирди.

Улар шаҳар касалхонасига яқинлашганда машина ўнгга қайрилиб, чоғроқ иморат олдида тўхтади.

- Гавҳар Отажонованинг йўқолганига уч кун бўлган. Кеча оқшом Нева дарёсидан бир қизнинг мурдаси топилган. Эҳтимол у эмасдир. Ануви эшикдан пастга ертўлага тушиб кўрингларчи! Лейтенант Осипов, қизларга жасадни кўрсатинг! - буюрди майор.

Шу дамда унинг кўнглига чироқ ёқса ёришмасди, узун сочли, осиёлик бу қизнинг Гавҳар Отажонова эканига шубҳа қилмаётганди. «Эссиз, чиройлигина қиз экан. Ким ўлдирдийкин? Нега? Қотилни, албатта, топиш керак». Майор чўнтагидан сигарета олиб, чекишга тутинди. Шу пайт пастдан фарёд товуши эшитилди. Ҳа, тахмини тўғри экан.

Оппоқ чойшаб тагидаги мурда шишиб, кўкариб кетганди. Юзидан таниш қийин, бироқ ёстиқни қоплаб ётган тим қора узун сочлар, лаб остидаги мошдек қора хол, камондай туташ қошлар Гавҳарники эди.

Зубайда дугонасининг жасадини қучоқлаб, бўтадек бўзлаб йиғларди. Раънонинг эса суратигина қолганди, холос.

Мутахассис текширувидан кейин қизнинг олдин бўғиб ўлдирилгани, сўнг дарёга ташлаб юборилгани маълум бўлди. Гавҳарнинг жасадини институтга келтиришди. Қалдирғоч қошларини чимириб, шаҳло кўзларини хиёл сузиб тушган Гавҳарнинг суратини қора матога ўрашиб, эълонлар бурчагига осиб қўйиишди.

Ҳеч нарсадан бехабар Анвар поезддан тушиб, ётоқхонага келди. Хона эшиги ёпиқ эди. «Қизлар бирор ёққа чиқишган бўлса керак», деган хаёл билан қоровул кампирнинг олдига тушди. Кампир уни кўриши биланоқ: «Боже мой!» деганича йиғлаб юборди ва юз берган фожиани гапириб бера бошлади. Анвар институтга қандай етиб келганини билмайди. Уни кўрган Зубайда билан Раъно уввос солиб йиғлашга тушдилар.

Анвар титроқ қўллари билан чойшабни очиб, Гавҳарнинг юзига қаради. Кўзларига ишонмади, йиғлай олмади. Умидлари пучга чиққан, бир зумда ҳаёт унинг учун маъносини йўқотган эди.

Ҳушидан айрилган йигит эртасигина ўзига келди. Ўзини қўлга олишга ҳаракат қилди. Жонидан ортиқ кўрган севгилисининг жасади ёт шаҳарда қолиб кетишини истамасди у.

- Олиб кетаман! Хоразмга олиб кетаман! - алам билан шундай қарорга келди Анвар.

Бошқалар унга қаршилик қилмади. Шаҳар ички ишлар бўлими, институт маъмурияти, курсдошлар кўмагида Анвар, Зубайда ва Раъно Гавҳарнинг жасадини олиб Ўзбекистонга жўнаб кетишди.

Юз берган фожиа ҳамманинг дилини жароҳатлаганди. Севимли шогирдидан жудо бўлган профессор Плетинский савдойилардай Нева соҳилларида бемақсад кезиб юрарди, ўркач-ўркач тўлқинларга соатлаб термулиб ўтирар, баъзан қорамтир сув юзида Гавҳарнинг сиймосини кўргандек энтикиб қўярди. «Айбдорман, тириклигим ёлғон. Ёшим бир жойга борганда йўлдан тойган нотавонман», дея эзилиб изтироб чекарди у. Профессорнинг ётиш-туришида ҳаловат қолмади. Тўладан келган Плетинский чўпдек озиб кетди. Шу алпозда гарангсиб юрганида севимли итини машина босиб кетди. Шундай ҳам виждон ўтида қоврилиб юрган Олег Георгиевич баттар мунғайиб қолди.

Майор Збруев эса қотилни топишга аҳд қилганди. Узун сочли, гўзал ўзбек қизининг сиймоси унинг кўз ўнгидан кетмасди. У ишни институт ўқитувчи ва талабалари билан суҳбатдан бошлади. Бирор кимса Гавҳар ҳақида ножўя гап айтмади. Аммо Олеся исмли қиз профессор Плетинскийнинг Гавҳарга ғалатироқ қараб юрганини сезган эмиш. Бу гапни бошқа курсдош қизлар ҳам тасдиқлади.

Майор бу гапни текшириб кўришга қарор қилди. Профессорни уйидан топди. Олег Георгиевич эшикни очганида ғирт маст эди.

- Профессор, шогирдингиз Гавҳар Отажоновага муносабатингиз қандай бўлган?

- Албатта ижобий. У энг яхши талабаларимиздан эди.

- Уни ким ўлдирган деб ўйлайсиз?

- Қани эди буни билсам...

- Гавҳарнинг феъл-атворида шубҳали жиҳатини сезганмисиз?

- Йўқ, Гавҳар булоқ сувидай тоза қиз эди.

- Айтишларича, сиз унга бошқача қараб юрар экансиз?

Профессор титраб кетди. Кўзойнак тагида кўзлари намлангани сезилди.

- Бошқачароқ... Ҳа, тўғри, мен уни жуда ёқтирардим.

- Сиз уни охирги марта қачон кўрган эдингиз?

- Шанба куни кечқурун.

- Гавҳар ўша куни ётоқхонадан қариндошиникига чиқиб кетган. Сиз уни қаерда кўрдингиз?

- Йўлда, қариндошиникига кетаётганида.

- Қизиқ, батафсилроқ гапириб берсангиз, - деди майор синчков кўзларини профессорга тикиб. Унинг кўнглида шубҳа ғимирлай бошлади. Буни сезган Плетинский бошини янада эгиброқ олди, сўнгра стаканга қулқиллатиб ароқ қуйди-да, бир кўтаришда ичиб юборди.

**Шарофат ИСКАНДАР қизи,**
**Азиза ҚОРАБОЕВА**

**(Давоми келгуси сонда)**

Ketganlarning oxirati obod bo'lsin

## ЎРОҚ ОЧИЛОВ



Таниқли ҳуқуқшунос, уруш ва меҳнат фахрийси, юридик фанлари номзоди, доцент Ўроқ Очилов 74 ёшида вафот этди.

У 1925 йилда Самарқанд вилоятида туғилган. Ўсмирлиги фашизм хуружи йилларига тўғри келиб, меҳнат фаолиятини жуда эрта бошлаган эди. 1943 йилда армия сафига чақирилди ва икки йил мобайнида баттол душманга қарши қақшатқич жангларда қаҳрамонона жанг қилди. Сўнг ярадор бўлиб уйга қайтди, даволанди. 1947 йилда ҳуқуқ даргоҳи - суд остонасига қадам қўйди. Котиблик, ижрочилик вазифаларида ишлади. 1950 йилда Тошкент Давлат юридик институтига ўқишга кирди. Олий ҳуқуқшунослик дипломини аъло баҳолар билан қўлга олган Ўроқ Очилов аспирантурада назарий билим тўплашни, илмий изланишларни давом эттиришни мақсад қилди. Тез орада юридик фанлари номзодлиги диссертациясини ёқлади, доцент унвонини олди. 1957 йилдан бошлаб 40 йил мобайнида қадрдон институтида талабаларга криминалистика фанидан сабоқ берди, кўплаб шогирдлар етиштирди, жиноятларни очиш борасида ёшларни «катта йўл»га бошлаб кирди.

Ўроқ аканинг маърузаларини эшитган, мақолалари, монографиялари ва китобларини ўқиган, амалий машғулотларида қатнашган, ўгитларига қулоқ тутганлар бугунги кунда республикамиз ҳуқуқни муҳофаза этувчи идораларини бошқармоқдалар, масъулиятли ва мураккаб вазифаларни шараф билан бажаришмоқда. Уни таниган-билганлар, ҳамсуҳбат бўлганлар «бир қоп ёнғоқ» дейишарди. Ёшу қари билан бир хил, самимий ва инсоний муносабатда эдилар. Айниқса, ёшларга ўта эътиборлиликлари билан ажралиб турардилар.

Ўроқ аканинг вафоти қалбларда мотамсаролик туғдирса-да, хотираси биз билан бирга. Руҳлари шод, ётган тупроқлари юмшоқ, охиратлари обод бўлишини Яратгандан тилаб қоламиз.

**Бир гуруҳ дўстлари**

- Ростини айт, мен билан учрашганингга қадар бирорта йигитга кўнгил қўйганмидинг, - дея сўради чимилдиқда куёв келиндан.

- Вой, нималар деяпсиз? Иккита болам ҳақи қасам ичаманки, эркак зотига қиё ҳам боқмаганман, - жавоб берибди келин.

- Жонгинам, бугун турмуш қурганимизга роппа-роса 15 йил тўлди. Ишонаманки, сен ҳам буни унутмагансан...

- [illegible]тганим-ку йўғ-а, аммо хижолат бўлаверма, бу иш учун сени аллақачон кечир-




**Жаҳонгир МИРЗО тўплади**

**КЕЛГУСИ СОНДА:**

**СИНГЛИМНИ «ОПА» ДЕБ ЮРАВЕРАЙМИ?**
*Ёки ҳақиқий ёшини ҳужжатига ёздиролмай сарсон бўлганлар ҳақида*

**МАНСАБ — ШУҲРАТ ТАХТИ ЭМАС...**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш Маркази «Республикада хизмат кўрсатган юрист», уруш ва меҳнат фахрийси, Тошкент Давлат юридик институти криминалистика кафедрасининг доценти

**ОЧИЛОВ ЎРОҚ ОЧИЛОВИЧнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг яқинлари ва оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир
Файзулла ҚИЛИЧЕВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ
Сафар НАЗАРОВ
Парахат АЙТНИЁЗОВ
Бурхон БЕКМИРЗАЕВ
Шавкатжон МАВЛОНОВ
Неъмат АМИНОВ
Абдил ТЎХТАШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Сирожиддин РАУПОВ (Бош муҳаррир ўринбосари)
Тўхтамурод ҲАСАНБОЕВ (масъул котиб)
Зайниддин ИСЛОМОВ
Ҳамза ЗОКИРОВ
Миршоҳид МИРҲАМИДОВ
Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририятида саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усули билан «ШАРҚ» нашриёт матбаа концерни босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-0221. Тиражи-10.000. Босишга топшириш вақти 21.00 Босишга топширилди 20.00

Навбатчи: А. ОТАБОЕВ
Компьютерда оригинал макет тайёрловчи: Ж. ТОҒАЕВ
терувчи: М. ДЎСТОВА

МАНЗИЛИМИЗ: 700047 Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси-5. Телефон, факс: 133-24-41
«Инсон ва қонун» газетаси 1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141- сон билан рўйхатдан ўтган.

